



СТИР- 207242599 х/р 20 208 000 200 642 184 001 "Узмиллийбанк" Андижон вилоят бўлими МФО- 00074

"KAMALAK INVESTITSIYA FONDI" AKSIYADORLIK JAMIYATIнинг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача бўлган даври якуни бўйича молиявий хисоботи учун миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий хисоботини аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра фикр билдирилган мустақил

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ижобий фикр.

"KAMALAK INVESTITSIYA FONDI" AKSIYADORLIK JAMIYATIнинг 2022 йилнинг 31 декабрь санасига тузилган Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботидан иборат бўлган молиявий хисоботларини жамият билан 2023 йилнинг 20 феврал санасида расмийлаштирилган 20/22-сонли шартномага асосан 2023 йилнинг 12 апрелдан-18 апрелига қадар бўлган давр мобайнида уларнинг ишончилигини аниқлаш мақсадида мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Бизнинг фикримизча, **"KAMALAK INVESTITSIYA FONDI" AKSIYADORLIK JAMIYATI** нинг 2022 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий хисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Фикр билдириш учун асос.

Биз аудитни аудиторлик фаолиятинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро кенгаш томонидан ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ жамиятнинг молиявий хисоботи бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончилиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун старлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий хисоботни Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрлаш, дастлабки ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб курсатишлардан холи бўлган молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур бўлган ички назорат тизими учун жавобгардир. Жамиятни бошқариш учун масъул бўлган шахслар молиявий хисоботни тайёрланишини назорат қилиш бўйича масъулдирлар.

Молиявий хисоботни тайёрланишини жараёнида жамиятни ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолаш. Тегишли ҳолатда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиқ бериш ва молиявий хисобларни тайёрлашни назорат қилиш бўйича масъулдир.

Аудиторлик ташкилотининг масъулияти

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Аудиторлик ташкилоти "KAMALAK INVESTITSIYA FONDI" AKSIYADORLIK JAMIYATI нинг илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотларни барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизга миждоз корхона молиявий хисоботини жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақазо этади.

«ASR AUDIT ANDIJON» МЧЖ шаклидаги

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор

Аудитор

2019 йил 7 февралда берилган аудиторлик
малака сертификати № 05591



Ё. Насирдинова

М. Насирдинов

Хулоса тузилган сана

18 апрел 2023 йил.

№ 25

Директор, аудитор _____ Ё.Насирдинова